

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2007-yil • 1-fevral • Payshanba • 14 (27.659) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Самарқанд: АВТОМОБИЛСОЗЛИКДА ЯНА БИР ҚАДАМ



«СамАвто» масъулияти чекланган жамияти Япониянинг «Исузу Моторс лимитед» компанияси билан ҳамкорлик қила бошлади. Айни кунларда бу ерда «Исузу» русумли янги автобус ва юк машиналари ишлаб чиқаришга киришилди. 420 киши меҳнат қилаётган корхонада 4 та цех ишлаб турибди. Асосий хомашё Япония, Россия, Туркия,

Хитой каби давлатлардан келтирилмоқда.
— «Исузу» компанияси, — дейди «СамАвто» корхонаси раҳбари ўринбосари Фахриддин Тўрақулов, — ўзининг ўн турдан зиёд автомобиллари билан дунёнинг юздан ортиқ мамлакатлари аҳолисиغا хизмат кўрсатиб келмоқда. Демак, у бизни ҳам асосий ҳамкоримиз

бўлиб қолишига шубҳа йўқ... Завод жамоаси қадим Самарқанднинг 2750 йиллик юбилейи олдидан йўловчилар учун 200 донга автобус тайёрлашга аҳд қилишган.
«Исузу» автомобилларининг яқинда корхонада бўлиб ўтган тақдирот маросимидан сўнг уларга қўшни республикалар вакилларида ҳам қизиқиш уйғонди. Ажабмас, тез орада

улар экспортга ҳам чиқа бошласа...
Шухрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири
Суратда: (чапдан) ишчи Ш.Абдуқосимов, сифат бўлими бошлиғи Ф.Эшонқулов, корхона директори ўринбосари Ф.Тўрақулов, йиғув цехи бошлиғи Х.Саидов.
Хусан ТЎҒИЗОВ
олган сурат

Ўзбекистон тараққиёт ва гуллаб-яшнаган демократик давлат куриш йўлидан ишонч билан оидламоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституция қабул қилинганининг 14 йиллигига бағишлаб ўтказилган йилги сўзлашма маърузаси хориж жамоатчилиги ва экспертлар доираларида ҳамон катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу муносабат билан турли давлатларнинг танқидли сўзлар арбоблари томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Корея Республикаси Миллий ассамблеясининг собиқ спикери, «Дўстлик» ордени нишондори Ли Ман Соннинг фикр билдиришича, Президент И.А.Каримов маърузада тилга олган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси жуда муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга. У миллий давлатчилик ва мустақилликни мустаҳкамлашга, ўзбек жамиятини янада демократлаштириш ва либерализациялаш ҳамда унинг барқарор ва ўсувчан тараққиётини қўллаб-қувватлашга қаратилган. Унинг фикрига кўра, янги қонун лойиҳаси халқнинг ўзгичлиги янада теран аниқлаш ва фаоллашувиغا, сиёсий партиялар фаолиятининг самардорлигига имкон беради.

Корея Республикаси бош вазирининг собиқ ўринбосари Ким Жин Пё таъкидлашча, Ўзбекистон ҳукумати олдида аниқ-равшан вазибалар қўйилмоқда, уларнинг ҳал этилиши меҳнатсевар ўзбек халқининг муносиб ҳаёт кечирishiга хизмат қилади.
У алоҳида қайд этганидек, ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга ўз бюджет вазирларининг 54 фоиздан кўпрогини йўналтириш иқтисодиёти ўтиш даврини бошдан кечириётган барча давлатларда ҳам кузатилмайдми. «Бу Ўзбекистон раҳбарияти энг муҳим вазибаларини, яъни халқ фаровонлиги, унинг ижтимоий ва маънавий жиҳатдан гуллаб-яшнаши хусусида ҳамхўрлик масалаларини назарда тутганидан ёрқин далолатдир. Бундай ҳуқуқ уйланган сиёсат, албатта, ўз самараларини беради.
Ким Жин Пё жаноблари ёшларни халқнинг бой тарихий анъаналари ва маънавий қад-

риятлари руҳида камол топтириш, уларда миллий ўзлигини аниқлаш туйғуларини янада мустаҳкамлаш юзасидан Ўзбекистон раҳбарияти олиб бораётган сиёсатни тўла қўллаб-қувватлар экан, «замонавий умумбашарий қадриятлар билан миллий анъаналарнинг уйғун бириккуви Ўзбекистонни яқин келажакда жаҳоннинг энг олдинги марраларига олиб чиқиши шубҳасиздир», дейди.
У маърузада яна бир жиҳатга алоҳида тўхталиб, жумладан, қуйидаги фикрларни билдирди: «Демократик жараёнларни ривожлантириш ва юксалтириш бўлиши бундай содиқлик Ўзбекистонда янги жамият куришининг стратегик вазибаси ҳисобланади. Давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш бўйича И.А.Каримовнинг ташаббуси бўлган янги қонун лойиҳалари, шубҳасиз, ушбу мақсадга эришишга хизмат қилади. Ўзбекистон тараққиёт ва гуллаб-яшнаган демократик давлат куриш йўлидан ишонч билан оидламоқда».

Берлинда 2007 йил Ўзбекистонда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинишига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Унда Германиянинг илмий доиралари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Таъбир «Паритетиш» хайрия муассасаси ҳамда Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.
**«ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ»
GERMANYA ЖАМОАТЧИЛИГИ НИГОҲИДА**
Кеча иштирокчилари аҳолининг кам таъминланган қатламлари — нафақадўрлар, ногирон, парваршига муҳтожлар, меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернат тарбияланувчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан республика раҳбарияти кўраётган чора-тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар билан танишдилар.
Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиши янада кучайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар, шунингдек, жамиятда меҳр-муруват ва ўзаро тушуниш, саховат муҳитини кучайтиришни назарда тутиб, ташаббуслар ҳақидаги маълумотлар тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.
Тадбирда сўзга чиққан «Паритетиш»нинг жамоатчилиги билан алоқалар бўлими раҳбари Н.Хофманн хоним Ўзбекистондаги мавжуд эзу аънава — ҳар йилнинг муйайн ном остида эълон қилинишига алоҳида тўхтади.
— Бу мавжуд бўлган биринчи даражали муаммоларни ечишга имкон бериши баробарида жамият ҳаётидаги туб ўзгаришларни рағбатлантирмоқда ҳам, — деди у. — Мазкур аънава ҳамжиҳатли туйғулари ва соғлом ижтимоий ҳаёт тарзи мустаҳкамлашига хизмат қилаётди.
Берлиндаги «Карло» наشريёти директори К.Рот Ўзбекистонда амалга оширилётган ижтимоий ҳимоя масалалари юзасидан чора-тадбирларнинг муҳимлигига эътибор қаратди. «Республикада олиб борилаётган ижтимоий сиёсат Ўзбекистон раҳбариятининг ўз халқига ҳамхўр эканлигининг яқол далилидир», — деди К.Рот.
Тадбир иштирокчиси, «Паритетиш»нинг ёшлар ва спорт масалалари бўйича маслаҳатчиси Г.Зайферт хоним ёшларнинг ҳаётий манфаатларини таъминлаш бўйича «Ижтимоий ҳимоя йили»да белгиланган чора-тадбирларни юксак баҳолар экан, республикада ўсиб келаётган авлоднинг имкониятларини ҳар томонлама номён қилиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилаётганини қайд этди.
Тадбир доирасида иштирокчиларга Ўзбекистоннинг бой маданий-тарихий мероси ҳақида ҳикоя қилувчи видеофильм намойиш этилди.

«Жаҳон» АА

АМАЛИЙ ЁРДАМ, ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши ва мавжуд 19 та туман кенгашлари қошида 2006 йилнинг январь ойидан буён Жамоатчилик қабулхоналари фаолият кўрсатиб келмоқда. Утган йил давомида жамоатчилик қабулхоналарига жами 1132 нафар фуқародан ариза, шикоят ва тақлиф-мулоҳазалар тушган бўлиб, шуларнинг 648 таси ижобий ҳал этилган. Қолганлари тегишли мутасадди ташкилотларга ҳал этиш учун жўнатилган.

Ёзёвон туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига фуқаро Ҳамидхон Охунвадан «Электр тармоқлари» идораси ходими томонидан электр ҳисоблагични алмаштиришда ноқонунийликка йўл қўйилганлиги ҳақида ариза тушган эди. Бу масала ўрганиб чиқилиб, 2500 кв/соат электр энергия истеъмолчи фойдасига ҳал қилиниб берилди.

Масалан, ЎзХДП Тошлоқ туман кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонаси томонидан қатор хайри ишлар амалга оширилмоқда. Туман ногиронлар жамияти раиси М.Мўйидиновнинг муражаатига биноан 20 нафар ногирон болага совғалар ташкил этилди. Қақир кишлоғилик уй бекаси Марҳабо Тўланова қизи мактабда ўқиб турган ногирон бўлиб қолганлиги, ҳозир 13 ёшга тўлган қизини даволашга қурби етмаётганлиги тўғрисида Жамоатчилик қабулхонасига муражаат қилган эди. Туман кенгашининг бевосита ёрдами билан юқоридagi оилга хомий топилиб, 100 минг сўм моддий ёрдам берилди.

Жамоатчилик қабулхоналари орқали халқ депутатлари Бағдод туман Кенгаши депутати Мухаммадхон Бурхонов 250 минг сўмлик ногиронлик аравачасини «Солижонобод»лик ногирон қизчага совға қилиб, саховат кўрсатган бўлса, депутат Абдубаннон Қосимов кам таъминланган оилаларга жами 3000 кг. гуручни бепул тарқатиб, ҳиммат кўрсатди.

Ўзбекистон ХДП вилоят ва туман кенгашлари қошидаги Жамоатчилик қабулхоналари, депутатларимиз бундан буён ҳам ижтимоий аҳамиятга молик бўлган ариза ва шикоятларни ҳал этишда куч, билим ва гайратларини аямайдилар деб ўйлашимиз.

Турсунбой СОЛИЕВ,
Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши масъул ходими.

Бошланғич партия ташкилотларида

УЛАР ХДПНИ ТАНЛАДИЛАР

Бугунги кунда Косонсой туманида 2547 нафар ХДП аъзоси бўлиб, уларни бириктирган 64 та бошланғич ташкилот фаолият юритмоқда.
Яқинда «Косонсой пахта толаси» ҳиссадорлик жамиятида бир гуруҳ ёшларга партияга аъзолик гувоҳномалари топширилди. Биз улардан айримларининг фикри билан қизиқдик.
Неъматжон ПАРПИЕВ,
корхона иқтисодчиси:
— Жамият тараққиётига ўзини дахлдор санайдиган киши сиёсат майдонига у ёки бу позицияни аниқ бел-

гилаб, ҳаракат қилиши керак, деб ўйлайман.
ХДПнинг дастурий мақсадлари халқчилиги, партия аҳоли ижтимоий ҳимоясини ўзига бош мақсад қилиб олганлиги билан менга маъқул бўлди. Шунинг учун ХДПга аъзо бўлдим. Келгусида партия фаоллари сафида бўлишга интиламан.
Алишер КАРИМОВ,
компьютерчи-ҳисобчи:
— Корхонага ишга келганимга уч йил бўлди. Жамоада иш бошлаган дастлабки пайтлардан қу ёрда ХДП бошланғич ташкилоти кўпгина хайри иш-

ларнинг ташаббускори эканига гувоҳ бўлдим. Қолаверса, ўзинг хурмат қилиб қилишлар билан битта сиёсий партия сафида бўлиш ҳам яхши-да. Бундан ташқари, энди партия йилгилишларида жуда кўп сиёсий-маърифий тушуналарга эга бўламан.
Менинг қизиқишимни оширган яна бир жиҳати шунки, партия ташкилотларида сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими ташкил этилиб, унда қизиқарли машғулотлар олиб бориламоқда.
Носиржон ДЕҲҚОНОВ
эзиб олди.

МАҲАЛЛА — ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ ЎРТАСИДАГИ МУСТАҲКАМ КЎПРИК

Маълумки, мустақиллик йилларида маҳалланинг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи сифатидаги роли ва аҳамияти тубдан ўзгарди, миллий қадрият ва анъаналарни мустаҳкамлашдаги нуфузи юксатди. Шу билан бирга унинг давлат ва жамият бошқарувидаги, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётиимиздаги мақоми ҳам кенгайдики, эндиликда маҳалла институтининг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ижросидаги ўрни алоҳида бўлмоқда.

Бош қорамол олиб берилди. Бундан ташқари, Наврўз ва Мустақиллик байрамлари арафасида ўтказилган умумхалқ ҳашарида 71 минг 402 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига 166,3 миллион сўмлик моддий ёрдам ҳамда «Саховат», «Муруват» ва Меҳрибонлик уйларининг моддий-техника базасини яхшилашга кўмаклашиш мақсадида 494,6 миллион сўмлик хомийлик кўмаги ажратилган.

Кеча Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида белгиланган вазибалар ижроси ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг 2006 йилдаги фаолияти якунлариغا бағишланган навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда жамғарманинг барча бўлим ва бўлинмалари мутасаддилари, жамоатчилик ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

«Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурининг илчил бажарилишида «Маҳалла» жамғармаси ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолларининг улуши салмоқли бўлди, — дейди «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви раиси Анвар АҲМЕДОВ. — Жумладан, ўтган йил мобайнида жамғарманинг республика бошқару-

ви ҳамда жойлардаги бўлим ва бўлинмалари томонидан дастурдаги энг асосий вазибалар — аҳолини қўллаб-қувватлаш, хайр-саховат кўрсатиш ишларида 3 миллиард 821 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Хусусан, кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож фуқаролар ва тегишли муассасалардан тушган 37460 та ариза жамғарма томонидан ўрганиб чиқилиб, 34650 та, яъни 98,5 фоизи ижобий ҳал этилди, уларга 1 миллиард 877 миллион 900 минг сўмлик хайрия ёрдамлари ажратилди.
Шунингдек, турли байрамлар муносабати билан маҳаллаларда тадбирлар ўтказилиб, эҳтиёжманд оилаларга хомийлар кўмагида 4 миллиард 526 миллион 600 минг сўмлик муруват ёрдами кўрсатилди.
Таъкидлаш жоизки, ўтган йилда жамғарма ҳисобидан кам таъминланган, кўп болали оилаларга 569,6 миллион сўмлик, жами 1424

Зейниддин МАМАДАЛИЕВ

«Шуни гурур билан таъкидлаш лозимки, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» рамзи туширилган авиалайнерлар бугун дунёнинг йиғирмадан ортиқ давлатига — Ер қутубларининг деярли барча минтақаларига парвоз қилмоқда. Биргина 2006 йилнинг ўзида авиаконани томонидан 1 миллион 700 минг нафар йўловчи ва 20 минг тоннадан ортиқ юк ташилган ҳам унинг муваффақиятларидан далолат беради.»
БУ ҲАҚДА...
БУ ҲАҚДА мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаконанининг 15 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиаконани жамоасига йўллаган табригиде алоҳида таъкидлади.

«ВАТАН ТУЙҒУСИ»
«... Имомқул бобони эслаyman... Унинг сўзлари кулоқларим остидан жаранглагандек бўлади: — Бу жойлар ҳаммамизники, болам!»
«АЖАЛ ЧАНГАЛИ»
«Болаларим хотиним билан кетиб қолди. Уларни қайтаришим керак. Ота-онам қариб қолди, уларни ҳам қийнаб юбордим.»
«ЭЗГУЛИК ВА ЯХШИЛИК МАҲАЛЛАСИ»
«Бошинг ёстиққа тегса фарзандларинг ҳамхўрлиги туфайли тезроқ тузаларкансан, — у ўзини тутолмайди — кўзларидан ёш думалайди.»

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар ширкати

Публицистика

ВАТАН ТУЙҒУСИ

Сўхбатларимиздан бирида ёш журналист ҳамкасбимиз шундай деб қолди: — Ватан тугрисида ҳамма яхши гаплар айтиб бўлинган. Хар қанча уринмайлик ўқувчи га янги гап айтмаймиз...

Уйга толдим. Тугри, Ватан ҳақида кўп яхши гаплар айтиб бўлинган, яхши шеърлар битилган. Буни инкор қилолмаймиз. Бирок, хар бир инсон қалби тўрида она-тупроқ ҳақида энг азиз ва ардоқли туйғулар яшайди. Хар ким ўзгалар такрорлаган, ўзгаларнинг кўнглидан кўчган, аллақачонлардир айтилган ёруғ ифодаларни тилга олган такдирда ҳам, у ўша кўтлуг иборани юрак уришига кўчган энг нозик туйғулар зарби билан айта билса — бу барибир янги гапга айланади. Демак, Ватан ҳақидаги гапларни хар бир юрак қайтадан янгилайди, шу боиски, Ватан ҳақида хар қандай инсоннинг янги гапи бўлади, асло ўлмайдиған ҳақиқати бўлади, демак, Ватан мавзуси ҳеч қачон эскирмайди.

Одам фарзанднинг овози ҳеч қачон бир-бирининг овозига ўхшамайди. Бармоқ изларининг турфалиги каби оддий ҳақиқат бу! Шундай экан, одам боласининг юрак зарби ҳам сира бир-бирининг юрак зарбига ўхшамайди. Юракдан айтилган самимиий эътирофларнинг шакли бир хил бўлиши мумкин, масалан, ҳаммамиз «Мен ўз Ватанимни яхши кўраман», деганимиз каби, лекин юракдан отилиб чиққан издор эса фақат ўша юракка тегишли бўлиб қолаверади.

Ўзбекистонда яшаётган 26 миллион одамнинг хар қайси си мен ўзбекистонни яхши кўраман, мен ўз киндик қоним тўкилган тупроқни ардоқлайман, деган гапни айтиши мумкин, лекин шаклан ўша битта гап, мазмун-моҳиятан 26 миллион тарзда, хар бир инсоннинг юрак зарби, кўнгли муҳаббати оташи эвазига айтади. Ва, юракдан айтган гапни хар бир инсон мен бошқалардан кура ахишроқ айтаман, менинг галим ўзгаларникидан кўра кучлироқ деб ўйлайди. Юра, у бу гапни юрагида олиб юрмасди, юракдан тўкилган гап эса ўша юракка, ўша одамга тегишли бўлиб қолаверади. Демак, мен Сизга қарата мен Ўзбекистонни Сиздан кўра кўпроқ яхши кўраман, десам хафа бўлман ва Сиз ҳам шундай дейишга ҳақлисиз. Ха, хар бир қалбда Ватаннинг ўз тими соли бор.

Аҳмад Хўжа деган камтарин шоир акаимиз бор. Унинг Ватан ҳақидаги бир шеъри мазмун шундай: мен уйимни сотган эдим. Шаҳарнинг бошқа жойига кўчиб ўтдим. Мана орадан қанча вақт ўтса ҳам, ўша сотилган уйим жойлашган кўчадан ўтолмайман. Жуда қийналаман. Ўша кўчага йўлим тушса айлаиб ўтаман. Юрагимга оғриқ чўқади. Мен ўша сотилган уйимнинг соғинчидан шунчалик ўртанаман. Айримлар ўз Ватанини сотиб, қандай қилиб бу дунёда бемалол юра оларкин, дейди шоир.

Шунга кўшимча айрим воқеаларни айтиб берай.

БИРИНЧИ ВОҚЕА

Яқинда бир оғайнимни кимга меҳмонга бораётувдим. Машинанинг орқа ўриндиғида иккинчи синфда ўқийдиган қизим ўтирибди. Кор ёғаяпти. Йўл муз. Изгири. Пойтахтнинг Қора-қамиш мавзеидан ўтган йўл орқали юрдим. «Табасум» дўконига яқинлашайти кўнглим аланечук бўлаверди. Нега шундай бўлаётганини сезиб турибман. Йўлнинг ўнг томонидаги тўрт қаватли уйга қарадим. Ана, тўртинчи қаватдаги уй. Ана, унинг деразаси. Шу уйда биз 10 йил яшаганмиз. Мен ҳам шу уйни сотиб, яшаш жойимни кенгайтирганман. Шу пайт қизим «Дадажон, жон дада, машинани тўхтатинг» деб қолди.

Йўл четиде тўхтадим. Қизим ялиниб туриб олди: — Юринг, уйимизга бир кир-кирайлик...

— Ахир, у ерда ҳозир бошқалар яшайди-ку...

Ишонасизми, қизим ўқиб ййлаб юборди. Қўздан ёш тиркираб оқарди. У дейман кўнмайди, бу дейман, қани кўнса. У олдимга тушиб йўл бошлади. Кўнглим бузилиб ортидан эргашдим. Мана ўша подвезд, мана ўша зиналар, мана ўша тўртинчи қават. Оёқларим калтиряпти. Мана ўша қаддон эшик. Қўнгирик тугмасини босдим. Ичкаридан овоз бўлмади. Яна босдим. Жимлик.

— Уйда ҳеч ким йўқ, қизим.

— Дадажон, бироз турайлик.

Эшикка суяниб бир дақиқа жим турдик. Сукунат. Қизимга қарамайман. Иккимиз ҳам миқ этмаймиз, денг. Бироздан сўнг яна келамиз деб паства олиб тушдим.

Бир сўз демай машинага чикдик. Йўлда кетаяпман... Қизим орқа ўриндиқда уй томонга термулиб қараб ўтирибди. Қўлини силкиб, уй билан хайрлашаяпти.

Йўл-йўлақай ўйлаб бордим. Инсон юрагининг риштасидан мустаҳкам ришта йўқ. Уни буюк тушунчалардан ҳеч бир куч ўзолмайди.

Қизим бир нуқтага текилиб, бошини ойнага тираб олган.

— Саможон, Самодилим, — дедим овозим бироз титраб, —Ватан останадан бошланади, деганлари шу экан қизим. Хар кимнинг Ватанга муносабати, муҳаббати ўз уйига муносабатидан бошланади. Ўзбекистон ҳам бизнинг уйимиз, сен Ўзбекистонни ҳам ўз уйимизни севганчалик севгин болам...

ИККИНЧИ ВОҚЕА

Баҳорнинг илк кунлари эди. Водийга қараб кетадиган катта трасса бўйида деҳқончилик қилаётган қайинининг даласига бордим. Оҳангарон туманининг адирлик ҳудудини яшиллик қоплаган. Ун беш гектардан зиёд далада Дилшодбой экин-тикинга ҳозирлик кўраятти. Кун бўйи бирга бўлдик. Шу, содда, камтарин деҳқон боланинг бир гапи менинг ҳайратини тоширди.

— Ака, оёғимиз ердан ўзилмасин. Ер одамнинг оёғига куч-қувват беради. Одамнинг қўзидан, нигоҳидан, меҳридан ер ҳам қувват олади. Одам-зотни тупроқдан пайдо бўлган деб бекорга айтишмайди. Тупроқ бизга ризқ беради, кейин вақт-соати келиб ўз бағрига олади. Дунёда тупроқдан ҳалол нарсаси йўқ. Одамни ўз ери, ўз тупроғи, ўз Ватанидан жудо қилмасин.

...Кейин деҳқончилик, қўт-барак ҳақида узоқ сўхбатлашдик. Унинг жўн, жайдари хулосаси шу бўлди:

Ватан мен учун шу тупроқ, манови ариқ, манови тепаликлар, манови униб чиқётган қўчларим — Ватан... Мана ёввойи ўт-ўланлар, ариқдаги сув, анови тиканлар — Ватанимнинг кўрми мен учун! Буларни ҳеч нарсага алишмайман.

УЧИНЧИ ВОҚЕА

Фарғонадан келаяпман. Йўл четидеги бетон ариқ бўйида, мункайган бир чол эшаги устидаги хуржунни туширолмай куймаланапти, кўмаклашай дедим. Машинани тўхтатдим. Хуржун қурмағур ҳам зил-зам-

бил экан. Бир амаллаб ерга туширдик.

— Ота, бу хуржуннинг иккала кўзини ҳам тўлдириб, нима солгансиз, бунча оғир?

— Қаламча бор, қаламча! Терак қаламчаси... Шу ариқнинг икки четига қайдаман.

Ҳайрон бўлдим. Ён-атрофда на бир овул, на бир қишлоқ бор. Катта йўлнинг нариги тарафиде ўтган ариқ бўйига хуржунни зўрга олиб бордим.

— Ота, бу ерлар сизга тегишлими?

— Йўқ, болам. Меники эмасу, қара ун қақирим ариқ бўйи бўш ётибди. Шу ерга терак қаламчаси эксам, дедим.

— Узингиз қаердан келдингиз?

— Хўв ана, тоғ ортидаги қишлоқдан. Бу ердан 15 чақирим йўл.

— Шунча йўл босиб?... — ҳайратини аширолмадим.

— Нима қилти, болам? Бўш ётган ерга кўчат қадасанг, ер сени алқайди, агар ер бўш ётса оғинадан, ер ҳам бетоб бўлиб қолади, ер ҳам ўқинади, ернинг ҳам уволи бор. Бу жойларнинг сенки-меникиси йўқ, ҳаммамизники, болам.

— Ота шунча жойга, ух-ух камида 100 хуржин қаламча керак бўлади-ёв.

— Нима қилти... Хар кун икки-уч марта келаман. Барибир экиб чиқаман...

— Ота, Сизга қойил қолдим, — дедим музтар бўлиб.

— Эй болам, юртнинг кўрқи кўн-кўкаламзор билан. Бир кун келиб шу ерларда осмонга туташган тераклар суғса, йўлдан ўтаётиб Имомқул бобонгни бир эслаб қўйсанг бас...

Чол билан хайрлашдим. Бу воқеага беш йил бўлди. Хар гал водийга йўлим тушса, ўша Имомқул бобо билан беш йил муқаддам учрашган жойда оёқ иламан. Ун қақиримлик масофада, ариқ бўйида тераклар шоууллаб турибди. Мен улари зибрат қиламан... Узимнинг ҳам кўнглим ёруғ тортади. Имомқул бобони эслайман... Унинг сўзлари қўлоқларим остида жаранглагандек бўлади:

— Бу жойлар ҳаммамизники, болам!

Ха, бундай сўзлар ҳеч қачон эскирмайди. Ватан ҳақидаги сўзлар асло эскирмайди...

М.СУЛАЙМОНОВ, Ўза мухбири

Кўчор НОРҚОБИЛ

Касаначилик — кони фойда

ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ФАОЛИЯТ

МАНБАИ — МЕҲНАТНИНГ КАСАНАЧИЛИК ТУРИ НАВОИЙДА КУН САЙИН КЕНГ КУЛОЧ ОТМОҚДА, — ДЕЙДИ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ИҚТИСОД БЎЛИМИ БОШЛИҒИ МУСТАФО ЖИЯНОВ

ида металл дарвоза, эшик ва деразалар яшаш, қурилиш шлак-блоклари қўйиш ҳамда полиэтилен халталар тайёрлаш бўйича 67 та касаначилик иш ўрни яратилди.

«Кизилқумцемент». «Навоийазот», «Жанубсанотмонтаж» сингари очик акциядорлик жамиятларида ҳам бугунги кунда 30 тадан 100 тагача янги иш ўринлари очилган.

Уларда иш кийим (коржама)лари, кўлқоплар ва рўзгорбоп хар хил чойшаблар тикилмоқда. «Навоийпахтатозалашводи» акциядорлик жамиятини 84 нафар касаначилари бичувчилик ва тикувчилик соҳасини танлашди.

Навоий ИЭС касаначилари эса ҳўжаликлар ва ташкилотларга кўчат етиштириб бериш билан шуғулланоқдалар.

Шунингдек, «УПП» ОАЖ, «Пекин — Кармана» КК, «На-

воийдонмахсулотлари», «Навоийэлектртармоқлари», акциядорлик жамиятлари, «Навоий ФСК» масъулияти чекланган жамият, «Шамс-Навоий», «Афросиёб бактерия» хусусий фирмалари ва хатто «Усимликларни химоя қилиш маркази» каби ўнлаб муассасалар мисолида ҳам шундай кўрсаткичларни таъкидлаш мумкин.

— Улар асосан қайси йўналишлар бўйича махсулот тайёрлашмоқда?

— Хар хил. Бирларида — боя айртанимдек иш кийимлари, чойшаблар, кўлқоплар тикилса, бирларида — кўчат, гул ниҳоллари етиштирилади, яна бирларида — дурадгорлик ишлари бажарилди, қандолатчилик махсулотлари тайёрланади, «сөрвис» хизматлари кўрсатилади. Масалан, «Шамс-Навоий» хусусий фир-

маси тасарруфида меҳнат қилаётган 25 нафар касаначи ҳозир хар хил қандолатлар, пиширчиқлар ва сомса, чўчава сингари таомлар тайёрлашяпти...

— Режалар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Режа аниқ; кооперацияни кенгайтириб, уй меҳнати турларини кўпайтириш... Энг муҳими, юқорида келтирилган рақамлардан кўриниб турибдики, Президентимиз Фармони Навоий шаҳрида ўз ижросини топмоқда. Касаначилик авж олиб, янги-янги иш ўринлари яратилмоқда. Улар аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламлари учун — ҳам даромад, ҳам меҳнат фаолияти (стажи) манбаига айланмоқда.

Сўхбатдош: Абдумутал НОРҚОБОВ, журналист.

«АМАТОН»НИНГ СИФАТЛИ МАХСУЛОТЛАРИ

Фарғона вилояти Учқўприк туманидаги кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектлари орасида «Аматон» масъулияти чекланган жамияти алоҳида ўрин тутайди. Бу ерда асосан ойналарга ишлов берилади ҳамда поролон махсулотлари ишлаб чиқарилади.

Утган йили корхонада 80 миллион сўмликка яқин махсулот ишлаб чиқарилди.

— Юртбошимиз томонидан тадбиркорлар учун қулай шароит ва имкониятлар яратиб берилаётганидан мамнунмиз, — дейди жамият раҳбари Султонхон Аҳмедов. — Бу ишончни меҳнатимиз билан оқлашимиз керак. Шунинг учун ички имкониятларимиздан келиб чиқиб, самарадорликни оширишга, янги иш ўринлари яратишга ҳаракат қилаймиз.

Изланишлар ўз самараларини бермоқда. Кейинги пайтда ойнага ишлов бериш ҳежиги 50 минг АҚШ доллари миқдориде инвестиция киритилиб, хориздан замонавий технологиялар олиб келинди. Натихада 30 киши доимий иш билан таъминланди.

М.СУЛАЙМОНОВ, Ўза мухбири

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорликда «Матбуот, радио ва телевидениеда ҳамда электрон ОАВ саҳифаларида аҳолининг ижтимоий-экологик ҳимоя қилиш масалалари бўйича ёритилган энг яхши журналистик иш» республика танловини эълон қилди.

II. Танлов шартлари

Танловда барча давлат ва нодавлат ахборот агентликлар, радио, телевидение ҳамда республика, вилоят ва район (шаҳар) газета, журнал, интернет-нашрлар журналистлари ва тахриратлари шиттирок этишлари мумкин.

Танловга 2007 йилининг 1 февралдан 1 июнигача газета, журнал ва электрон нашрларда эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение узатишган кўрсатув ва эшиттиришлар, фото ишлар, ижтимоий роликлар тақдим этилади.

Ҳолибар қуйидаги номинациялар бўйича аниқланади:

- «Аҳолини ижтимоий-экологик ҳимоя қилиш масалалари ёритилган энг яхши телекўрсатув»
«Аҳолини ижтимоий-экология ҳимоя қилиш масалалари ёритилган энг яхши радиоэшиттириш»
«Аҳолини ижтимоий-экологик ҳимоя қилиш масалалари ёритилган энг яхши мақола (ёки мақолалар туркуми)»
«Энг яхши журналистик текшируве»
«Аҳолини ижтимоий-экологик ҳимоя қилиш масалаларини энг фаол ёритган журналист»
«Экология ва саломатлик кўпарлари» дастурини энг яхши ёритган журналист»
«Аҳолини ижтимоий-экологик ҳимоя

қилиш масалаларини энг фаол ёритган тахрират (республика, вилоят, туман (шаҳар))

- «Аҳолини ижтимоий-экологик ҳимоя қилиш масалаларини фаол ёритган энг ёш журналист»
«Энг яхши фоторепортаж»
«Мавзу энг яхши ёритилган Интернет-нашр»

Танловнинг ташкилий қўмитаси экология муаммоларини бартараф этишда қизқиш билдиран ташкилот ва муассасаларга ҳамда бошқа ҳўмийларга танлов доирасида ўзларининг номинацияларини таъсис этишини таклиф этади.

Танловда шиттирок этиш учун жорий йил 1 июнига қадар 5 тадан кўп бўлмаган чоп этилган публицистик мақоалар асл нусхалари (ёки таъбиқланган нусхалари), телекўрсатув ва радиоэшиттиришларнинг ёзуви туширилган кассетларини ўзбек ёки рус тиллардаги қисқача аннотацияси билан, танловнинг номинацияси кўрсатилган тарзда, Ташкилий қўмитасга топширилади.

Манзил: Тошкент ш., 700000, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй, «Тошшаҳартрансхизмат» биноси, «ЭКОСАН» халқаро ташкилоти қошидаги «ЭКОСАНИН-ФОРМ» маркази.

Тел.: 135-08-52, 134-24-88, e-mail: h.asil@mail.ru

III. Танлов аъзолари

2007 йилининг 27 июнь — Ўзбекистон Матбуот ва оммавий ахборот вოსиталари кўни эълон қилинади.

Танлов ҳолибар ташкилотчиларининг Диплом ва совғалари ҳамда бошқа ҳўмийларнинг совғалари билан тақдирланадилар. Энг яхши мақоалар Танлов материаллари тўпламида чоп этилади.

РАВОН ЙЎЛЛАР ДАВОМИ

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЙЎЛСОЗЛАРИ РАВОН ЙЎЛЛАР ВА МУҲТАШАМ КЎПРИКЛАР ҚУРИШ БОРАСИДА КАТТА ТАЖРИБА ОРТТИРМОҚДАЛАР...

«Халқимизда кўприк қурган кам бўлмас, равон йўлда ҳам бўлмас» деган дено гап бор. Дарҳақиқат, ота-боболаримиз азал-азалдан ана шу ҳикматта амал қилиб яшаганлар. Шунданми, улар янги-янги карвон йўлларини онганлар, кўприклар қурганлар. Бундай йўллар, кўприклар тимсолида одамларнинг узогини яқин, мушқулини осон қилишдек савобли ишларни бажарганлар. Улар ушбу йўллар нафақат мамлакат шаҳарлари, қишлоқларини балки узоқ-узоқ давлатларни ҳам бир-бирига боғлашани англаб етганлар.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда хоризга чиқадиган, қўшни ҳамда узоқ давлатлар билан иқтисодий муносабатларни юксалишига ёрдам берадиган

кенг, равон автомагистраллар қатори ички йўлларнинг янги-янги хам бунёд этиш, мавжудларини қайта қуриш ва мукаммал таъмирлаш борасида катта ишлар қилинди. Бу борада, жумладан пойтахт вилоятида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

«Тошкентавтйўл» худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти бугун ўз сафарида 15 та йўл ҳўжалиги тармоқларини бирлаштириб турибди. Бундан ташқари, вилоят аҳамиятига эга кўприклардан фойдаланиш ва таъмирлаш корхоналари, Тошкент, Ангрен, Янгиобод йўл хизмати бошқармалари, тўрта ихласлиқ билан ободончилик ташкилотлари шулар жумласидан

дир. Утган 2006 йилда 29 миллиард 459 миллион сўмликдан зиёд йўл қурилиши ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. — Маблағларнинг асосий қисми янги йўлларни қуриш ва мукаммал таъмирлашга йўналтирилди. — дейди ташкилот раҳбари Нигматулла НИШОНБОВ.

— Утган йилининг ўзида 261 километр масофадаги автомобиль йўлларни янгидан жорий ва мукаммал таъмирдан чиқди. «Тошкент — Душанбе» автомобиль йўлининг 54-километридаги йўл ўтказгич иншооти фикримизнинг ёрқин далили. Шунингдек, Тошкент халқа автомобиль йўлининг Сергели ҳамда Зангнота туманлари оралиғида, пойтахтимиздаги Чилонзор буюм бозорига эл-

тадиган узунлиги 6 километрлик масофада янги йўл қурилиб, уларда автотранспорт ҳаракати ва хавфсизлигини таъминлашда диққатга молик ишлар бажарилди. Мазкур янги йўллар оралиғида 3 та кўприк, 4 та йўл ўтказгичлар барпо этилди. Бу кенг қўламли ишлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳўзурдаги Республика йўл жағмармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилди.

Ташкилотимиз йўлсозлари Самарқанд, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё каби қатор вилоятларда ҳам пудрат асосида йўл қуриш, автомобиль йўлларини ўрта ва мукаммал таъмирлаш сингари ишларни олиб бормоқда. Фақат автомобиль йўллари қуриш ёки улари таъмирлаш билан шуғулланибгина қолмай, автомагистрал ҳамда вилоят аҳамиятига эга катта-кичик йўллар атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга ҳам катта эътибор қаратаймиз. Масалан, Юқоричирик туманидан пойтахтимизга қираверишда, аникроғи, «Тошкент — Олмалик» ҳамда «Тошкент — Бектемир — Чорбоғ» йўналишидаги автомобиль йўллари кесиммасида 19 гектарлик майдонда кенг ҳажмли ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилди. Утган йили вилоятдаги бундай тадбирлар учун 677 мил-



лион 296 минг сўмликдан зиёд маблағ сарфланди. Йўллар тегаралига 162 минг 293 тўп мевали-манзарали дарахт қўчатлари ва 45 минг донадан зиёд гул ниҳоллари ўтказилди. — Вилоятимизда жорий йилда 33 миллиард сўмликдан зиёд катта-ючлик ҳамда йўл қурилиши ва таъмир ишлари бажарилиши режалаштирилган. — дейди «Тошкентавтйўл» худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти бўлим бошлиғи Босит РАУФ-ХўЖАЕВ. — Бу — вилоят аҳолиси фойдаланишида бўлган 248 километр узунлиқдаги йўллар ўрта ва мукаммал таъмирланади ҳамда 3 минг 833 километр масофадаги йўл атрофлари ободон-

лаштирилади, кўкаламзорлаштирилади дегани. Бундан ташқари, «Тошкент — Термиз» ҳамда «Тошкент — Душанбе» автомобиль йўлларининг Чиноз тумани ҳудудидеги қисмида (темир йўл устидан кесиб ўтувчи) умумий узунлиги 2 километр бўлган 2 та йўл ўтказгич, барпо этилиши қўда тутилган. Тошкент халқа автомобиль йўлининг «Карвон» бозори ҳудудидеги эса пйёдаларнинг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида узунлиги 50 метр бўлган ер ости йўли фойдаланишга топширилиши мўлжалланмоқда. Қўбрай, Зангнота, Янгийўл, Оҳангарон туманлариде 326 метр узунлиқда 10 дан зиёд кўприклар мукаммал таъмирланади.

«Тошкент — Ўш» автомобиль йўлининг Қамчиқ довоғи қисмида 14 километр узунлиқда турли даражадаги таъмирлаш ишлари бажарилди. Шулар билан бирга Ангрен шаҳридан Қамчиқ довоғига чиқаришда жойлашган кўмир қонларини айлаиб ўтувчи (узунлиги 4 километрлик масофада) янги йўл қурилиши ишлари авж олдирилади. Демак, «Тошкентавтйўл» худудий йўллардан фойдаланиш ташкилоти йўлсозлари бу йил ҳам савобли ишларни кенг қўламли давом эттирилади. Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган суратлар

Қоракўл туманидаги Сайёд қишлоқ фуқаролар ййғини ҳудудиде 720 ўринли иқтисодиёт йўналишидаги янги касб-хўнар коллежи қурилиши бошланди. Тендерда голиб чиққан «192-ХКМК» масъулияти чекланган жамият бунёдкорлари ушбу ўқув маскани биносини таскорлик билан тикламоқдалар.

ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Жамият раҳбари Толмас Рўзиевнинг таъкидлашича, жамоа жорий йилининг 1 августига 1 миллиард 836 миллион сўмлик иш бажариб, объектни тўлиғича фойдаланишга топширишни режалаштирган. Айни пайтда 400 нафар қурувчи икки сменада меҳнат қилмоқда.

Мазкур коллеж ўшагушга тушса, туманда ўрта махсус касб-хўнар масканлари сони утгага етади. Бу олис туман фарзандлари учун яратилаётган қўлайликнинг яна бир намунаси.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

❖ **Муаммо. Муносабат. Мулоҳаза**

АЖАЛ ЧАНГАЛИ

ЎКИ ГИЁХВАНДЛИКНИНГ САБАБ ВА ОҚИБАТЛАРИ ҲАМДА УНГА ҚАРШИ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР ҲАҚИДА

Гиёҳванд модда нима ўзи? Гиёҳванд-чи, ким у — жиноятчиси, беморми? Бу соҳага қарши олиб борилаётган кураш, кўрилатган чоралар, ўтказилаётган тадбирлар натижаси қандай? Унга ғирфтор бўлган шахсларнинг тақдирини қандай кечади? Умуман, ана шу ФОЖИАНИНГ туб илдизлари нималардан иборат?

Раим ҚУРБОНОВ, Сурхондарё вилоят ОИТС маркази бош врач:

— Гиёҳвандларни бемор деб бўлмайди, «касал» деб айтса тўғрироқ бўлади. Чунки улар ўзларини ўзлари заҳарлайдилар. Аммо, гиёҳвандлик — худди берган дард эмас, бу — иллат! Унга йўлиқшишнинг сабаби асосан, но-тўғри тарбия, оиладаги но-соғлом муҳит, руҳий но-евоқлик, ожизлик ҳамда иро-дасизликдир.

Бунга ҳаётда мисолларни истаганча келтириш мумкин. Айтилик, ота-она фарзанди тарбияси билан, одоб, ҳулқ-атвори, ўқиши, ишлаши ёки уйга қачон келиши, қачон кетиши билан қизиқмайди. Аксинча, ўзининг бўлмағур жи-ҳатлари билан болаларига «ўрнак» бўлади. Натижада айиллар ўтиб, фарзандлар ҳам ёмон йўлга кириб кети-шади. Адоги йўқ бу қўядан эса уларни қайтаришнинг имкони бўлмайди. Ниҳолки ҳам ўз вақтида тўғри парва-риши қилмасангиз, у эгри ўсади. Вақт ўтгач эса унинг эгри танасини тўғрилаб бўлмайди.

Серка КАТТАЕВ, «Серко» хусусий поликлиникаси бош врач, тиббиёт фан-лари номзоди:

— Гиёҳванд хумори тутган пайтда танасида кучли оғрик сезади. Айниқса, бўғинлар-да оғрик кучаяди. Одам ти-риша бошлайди (ломка), кўздан ёш оқибди, бурундан тўхтовсиз сув келиши, ич кети-ши, уйқусизлик, ич қис-тилиши, бир жойда хотиржам ўтиролмаслик, совуқ терлаш, кон босимининг тушиб кети-ши, асаб тизими бузилиши, бош ва бутун тананинг қажшаб оғриши ва шу каби бошқа хил салбий оқибатлар

кузага келади. Гиёҳванд ана шундай ҳолатда ўзини он-ги идора қилолмайди. Энг дахшатлиси, бу вақтда ҳар қандай ишга қўл уриши, ҳар қандай жиноятни ҳам содир этиши мумкин.

Норбой НАЗАРОВ, вилоят онкология диспансе-ри бўлим бошлиғи, тиб-биёт фанлари номзоди:

— Сурункасига гиёҳванд моддаларни истеъмол қилу-вчиларда ўпка, жигар, буйрак, юрак-қон томирлари ишдан чиқибди, суяк милларининг қуриши, озиб кетиши, бош миёда қон айланиш систе-масининг бузилиши, хотира-нинг сусайиши, бепуштлиқ, турли юқумли касалликлар-га тез чалиниш ҳоллари ку-затилади.

Аёлларда эса гиёҳвандлик сут безлари, ошқозон ва ўпка раки ҳамда турфа хил тери-таносил касалликлари-ни келтириб чиқаради. Бун-дан ташқари, гиёҳвандлик ва ароққўрлик инсон хотираси-ни, ақл идорасини заифлаш-тиради. Уларда эрта қариш, тиш тўқилиши, жигар цирро-зи хасталиқларига чалиниш хафси ошади.

Жума ИШБОБОВ, вилоят наркология диспансе-ри бош врач:

— Оғура рўжу қўяётганлар-нинг ўртача ёши 25-34 ёшда. Улар орасида 18-24 ёшда-гилари ҳам учратиб мум-кин. Гиёҳвандлар орасида ҳали турмушга чиқмаган қиз-ларнинг борлиги бу иллат-нинг илдизи анча чуқур ке-таётганини англатади.

Диспансеримизда 7 нафар шифокор, 38 нафар ўрта маълумотли тиббиёт ходим-лари ишлайди. Бизда даво-ланиш бепул. Одатда гиёҳ-вандларнинг 20 фоизи туза-либ кетади. Лекин базилар

«энди мен тузалиб кетдим», дея ўз вақтида келиб, керак-ли дори-дармонларни олиш-майди. Ҳолбуки, гиёҳвандлик миёда бу ярамас оғуға нис-батан майл ўчоғи пайдо қилувчи касалликдир. Гиёҳ-вандлик, ароққўрлик сурун-кали хасталик бўлиб, узоқ вақт даволанишни талаб эта-ди. Баъзида биздан шифо топиб чиққан кишиларни оила аъзолари қабул қил-маётган ҳоллар ҳам учрай-ди. Бундай кишилар аросат-да қолиб кетишяпти. Шу то-монлари инобатга олиниб, вилоят ҳокимлигининг ёрда-ми билан Термиз шаҳри Исо ат-Термизий кўчасидаги би-но беш йилга бизга берил-ди. Утган йили БМТ

қутилиб кетиш эса кўп ҳол-ларда инсоннинг ўзига — иродасига боғлиқ.

Собик гиёҳванд термиз-лик Ю. ҳикояси:


— Бир пайтлар обрўйим чакки эмас эди. Савдо со-ҳасида ишлардим. 19 ёшим-да уйландим. Жуда бахтли эдик. Бирин-кетин уч нафар фарзандимиз туғилди. Тез орада катта холи, уй-жой қурдик. Шахсий автомашина олдим.

Кунлардан бир кун қўшни давлатдан бир танишим Тер-мизга у-бу нарса сотишга кел-ди. Иш баҳона уйимизда 10-15 кунга турди. Эътибор қилсам меҳмон доим ошо-намизга ўтиб қандайдир до-риларни ёқиб, тутатарди. Уч-

- Дунё матбуоти, хусусан интернет хабарларига қараганда, бугунги кунда ер юзиде 200 миллиондан ортиқ киши гиёҳванд моддаларнинг у ёки бу турини истеъмол қилади.
- Гиёҳвандликка қарши курашиш учун эса кунига жаҳон бўйича бир неча ўн миллион АҚШ доллар миқдорига маблағ сарфланади.
- Ер юзиде турғилётган гўдакларнинг ўртача 10 фоизи гиёҳвандлик оқибатида ногирон, майиб-мажруҳ дунёга келмоқда.
- Маълумотларга қараганда гиёҳванд моддалар истеъмоли учун сарф этилаётган маблағлар инсон эътиёжи учун бирламчи бўлган ашаш, кий-нимиз, оқватлонни, тоъили олиш ҳамда тиббий хизматдан фойдаланиш қабиларга ишлатила-диган харажатлардан бир неча баробар кўпдир.
- Уюшган жиноятчилик, терроризм, ОИТС ҳамда қатор хавфли касалликларнинг илдизи ҳам гиёҳвандлик билан боғлиқ.

эълон қилган «Норкотик мод-даларга интилишни камайти-риш» ДКРР дастурида қат-нашдик, фаолиятимиз юқори баҳоланди. Мукофот учун берилган маблағга бинони юқори сифатли қилиб таъ-мирламоқчи эдик. Бу ерда «Ихтимовий кўнктириш мар-кази» очилади. Уй-жойи, касб-хунари йўқ беморлари-мизга этиқдўзлик, дурадгор-лик, аёлларга қандолатчи-лик, тикувчилик каби касб-лар ўргатилади. «Бир марта тортсам ҳеч нарса қилмай-ди», деган нотўғри фикрда юрган ёшларга гиёҳвандлик қандай мудҳиш оқибатларга олиб келишини қайта-қайта эслаб туришимиз лозим! Қора оғунинг исканжасига тушиб қолмаслик ёки ундан

тўрт кун ўтгач менга ҳам «Бир тортиб кўр, чарчоғин-ни олади», деб қолди. Эсим-да, ўша кун ишдан ҳориб келган эдим. «Ҳай, бир тор-тсақ, тортайлик-чи», деб «синаб» қўрдим. Рости, унча «кайфияти сезмадим». Эртаси кун у яна: «Қани ошна, бугун ҳам бир чекиб кўр-чи, кечагидай бўлмайди. Бошқача бўлади» деб қўйма-ди. Рози бўлдим. Шунда бу-тун вужудим ором олди. Оғриган тиззаларим, оёқла-рим ёзилгандек бўлди. Ва шу-шу... озгина-озгина исте-тёмол қилиб, бора-бора наркотикка ўрганиб қолдим. Оғу мени ғўе оҳанрабодай ўзига тортарди. Шундан сўн-денг, аввал-аввал чекиб, сўн-г геронинга ўтдим. Аста-



секин билагимга укол қила-диган бўлдим. Бу «оқ ажал» мени шу қадар ўраб олган-дики, ундан ажралиш мут-лақо мумкин эмас эди. Бир-рор кун «дори» тополмасам, мен учун ғўе ҳаёт тамомдек туюларди.

Менга қўшилиб хотиним ҳам чекишга «ўтирди». Аввал машинани сотдим. Сўнгра уй-жиҳозларини пулладик. Бўлмади. Бир пайтлар чи-рой учун қўйдирган тилла тишларимни ҳам тиш қўйиш поликлинисига келиб суғур-тириб олдим. Аммо, нима қилишимга қарамасдан пул етказолмасдим. Онда-сонда ўғирлик ҳам қилдим. Барибир пул етмасди, ҳар кун энг юқори «доза»ларда 1-2 мар-тагача укол олмасам турум-май қолгандим. Хотиним ҳам худди шундай. Кўчаларда сан-дирақлаб юрарди. Ахийри, илож бўлмай шип-шийдам хрвлимизни ҳам арзон-гаров-га сотиб юбордим. Узимиз бо-ларани олиб ижарага турдик. Бироқ, ижара пулини ҳам тўлашга маблағ йўқ эди. Уч нафар фарзандимиз: каттаси киз ҳозир — 15 ёшда, иккита-си ўғил, 11 ва 7 яшар.

Шундай қилиб 18 йил гиёҳ-вандлик кўчасида бўлдим. Оиламдан, бору-йўғимдан ай-рилдим. Аммо касалхонага ётиб, узоқ даволангач, ўтказ-ган умримга боқиб, бу йўлдан кеч бўлса ҳам қайтишга куч топа олдим. Ҳозир бир йил-дан ошдикки хотиним ҳам, ўзим ҳам гиёҳвандликни таш-ладик. Ҳужалиқдан ижарага ер олдим, ишлаяман, яна ўша аввалгидек бахтиёр оиламни тикласам дейман.

Деновалик 33 ёшли М. ҳикояси:

— Наркология шифохона-сида уч ойдан буён давола-наяман.

Бир пайтлар вазим 110 кило эди. Ҳозир... 55 кило-грамм чикар... Яхши оила-нинг фарзанди эдим. Авва-рило техникумда, сўнгра Тош-кентда — институлда ўқидим. Обрўли ташкилотга ишга кирдим. Топиш-тутушим яхши эди. Янги машина мин-ди, чиройли кийиндим. Дўсту биродарларим кўп бўлди... Қисқаса, кунларим

хурсандчилик, улфатчилик билан ўтарди.

Тўғриси айтсам, ҳам-маси институлда, 3-курсда ўқиб юрган пайтларим бир каттақон одамнинг фарзан-ди билан танишиб қолиш-дан бошланди. Унинг ёнида дрим чангал-чангал пул юрарди. У билан иноқ бўлиб кетгач, бир кун Рос-сияга бориб келишни, бир «иш» борлигини, мўмай пулга эга бўлишимни айт-ди. Мен кўп ўйлаб ўтирмай рози бўлдим. Хуллас, поез-да ўтириб Саратовга жўна-дик. Керакли «товар»ни белгиланган жойга етказ-дик.

Биринчи бор иш жуда силлиқ кечди ва умримда кўрмаган катта пулга эга бўлдим. Буну кўриб энди ўзим бу «иш» га қизиқиб қолдим. Ҳа, қўли текканнинг оғзи ҳам тегади деганлари-ди, аввал-аввал дорини ҳидлаб, сўнғ чайнаб, сўнғ тутатиб ва ниҳоят томирим-га укол қилиб лаззатлана-диган одат чикардим. «Ге-ра»дан олган кайф шундай расво нарса бўлар экан-ки, хумор тутса шу лаззат учун ҳамма-ҳамма нарсага — ҳатто одам ўлдирганда тайёр турар экансиз.

Шундай ҳам бўлди. Ўғир-лик қилдим — қамалдим. Одам ўлдирдим, иккинчи бор қамалдим. Бир неча бор даволандим, барибир иродам бўшлиқ қилиб «кас-бим»ни ташлаш олмадим.

Яқинда эски шерикларим орқандан шу ерга — касал-хонага ҳам келишди. «Кетдик, нима қиласан даволаниб, яхши юрсақ, ҳеч нарса бўлмайди», дейишди. Мен бормадим, даволанмоқчиман, ҳаётга қайтмоқчиман. Ахир, болаларим бор. Улар хоти-нин билан кетиб қолди. Улар-ни қайтаришим керак. Ота-онам қариб қолди, уларни ҳам қўйнаб юбордим. Одам-дай яшашни истайман...

(Давоми бор).

Абдурашул ЖУМАҚҮЛ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

ЭФИРДА ПРЕЗИДЕНТ

Сешанба кун Куба телевидениеси орқали Фидель Кастронинг Венесуэла президенти Уго Чавес билан учрашуви ҳақидаги репортаж намоиш этилди.

Ун дақиқа давом этган бу лавҳа сўнги уч ой ичида Куба раҳбарининг илк бор телевиде-нидаги чиқиши бўлди. Кастро-нинг анча соғайиб қолганлиги, тетик ва бардамлиги кўрсату-ва да сезилиб турди.

Маълумки, саксон ёшли Фи-дель Кастро ўтган йилнинг 1 июлида операция қилинган ва шундан сўнғ у касалхонада даъво-ланиб келаётган эди.

Куба етакчисининг яқин дўсти ҳисобланган Уго Чавес Кастро-нинг августда Куба телевидениеси орқали эфирга узатилган репортажда Кастро ва Чавеснинг палатада йогурт еб, сўхбатла-шиб ўтиришгани намоиш этилган эди.



«ТОРНАДО» ЖўНАТИЛАДИ

Германия ҳукумати Афғонистонга «Торнадо» русум-ли ҳарбий самолётларни жўнатишни мўлжалламоқда.

Режага кўра, яқин кунлар ичида Афғонистонда олти «Торнадо» жойлаштирилади. Ишбу режа Гер-мания ҳукумати томонидан тасдиқ-ланган ва у келгуси ҳафтада Бун-дестада муҳокама қилинади.

«Торнадо»нинг учиб пайтидаги юк қуввати 28 тонна, макси-мал тезлиги соатига 2417 километр, ҳаракат радиуси эса 300 дан 1200 километрни ташкил этади.



ҲЕЧ КИМ ЖАБРАНМАДИ

Кувейтнинг «А-320» русумли йўловчи самолёти Бир-лашган Араб Амирликларидеги аэропортга қўнишга мажбур бўлди.

Гап шундаки, самолётнинг шассени чиқарувчи механизми ишламай қолган. Тезда қўрил-ган чора-тадбирлар натижаси-да самолёт бир амаллаб аэро-портга қўндирилган.

Қўниш натижасида 120 нафар йўловчидан 11 нафари энгил тан жароҳат олишган.



ТУНГИ НОТИНЧЛИК

Таиланд пойтахти Бангкокда сешанба кун кечаси иски марта портлаш содир этилди.

Маҳаллий полиция вакилининг сўзларига кўра, биринчи порт-лаш мамлакатдаги энг машҳур газеталардан бири «The Daily News» биноси яқинида, иккинчи портлаш эса таҳрират яқинида жойлашган «Pana Garden» ме-хмонхонасининг кираверии қис-мида қайт этилган.

Бу ноҳуш ҳолатлардан ҳеч ким жабранмаган. Биноларга ҳам унчалик жиддий зарар етмаган. Ҳозирда портлаш сабаблари аниқланмоқда.



МАНЧЕСТЕРДА КАЗИНО МАРКАЗИ

Тендерда ғолиб чиққан Манчестер шаҳри Буюк Бри-танияда Американинг Лас-Вегас шаҳридаги казино-ларга ўхшаш иншоотлар барпо этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Тендер арасида Буюк Брита-ния пойтахти Лондон ва бошқа бир қанча шаҳарларнинг имконияти юқори баҳоланётган эди.

Эндликда Манчестер шаҳрида 1250 та автомат ўйинларидан ибор-рат казино маркази қурилади. Янги ўйин маркази 5000 квадрат метр майдонга жойлаштирилади.

Маълумки, Манчестер Буюк Британиядаги энг катта шаҳарлар-дан бири ҳисобланади. Унда 2,2 миллиондан ортиқ аҳоли исти-комат қилади.



МОСКВАЛИКЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Россия пойтахти Москва шаҳри маъмурияти «Москваликларга қулай турар-жойлар» дастурини қабул қилди.

Унга кўра, эндиликда қурувчи ташки-лотлар тикланаётган уйлارнинг тенг яри-мини москваликларга арзон баҳоларга сотиши керак.

Лекин ҳужжатда қайди этилишича, пой-тахтда қонуний асосда қамда ўн йил яшаган киши умри давомида фақат бир марта пасайтирилган нарҳда уй сотиб олиши мумкин.

Ушбу дастурга турли хил муносабатлар билдирилмоқда. Ай-ниқса, кўчаси мулк қурилиши билан шугулланувчилар ўз эъти-розларини билдиришмоқда.



90 ЁШГА ЕТМАДИ

АҚШлик машҳур ёзувчи Сидни Шелдон Калифор-ния штатидаги Ранчо Мираж шаҳрида жойлашган касалхонада саксон тўққиз ёшида ҳаётдан кўз юмди.

У яратган бадий асарлари учун бир неча мукофотларга сазовор бўлган. Ки-тоблари эса дунё бўйича 275 миллиондан ортиқ нусхада чоп этилган. Бу борда ёзув-чи Гиннеснинг рекордлар китобига кири-тилган.

Сидни Шелдон ҳаёт бўлганда шу йил 17 февралда 90 ёшга тўларди.



Ташкилот ва корхоналар диққатига!

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ҚАЙТА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Қизириқ тумани Молия бўли-ми маъмурий биносини капитал реконструкция қилиши.

Ишоотнинг бошланғич нархи — 42006,0 минг сўм. Қурилиш муддати — 120 кун.

Ишоотнинг қурилиш ишлари-ни молиялаштириш — Сурхон-дарё вилояти маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амала оширилади.

Буюртмачи: Сурхондарё вило-яти ҳокимлиги «Ягона буюрт-мачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Манзил: Термиз шаҳри, А.Ба-куменко кўчаси, 5-уй. Тел. факс. 222-49-71, 222-49-80, 222-49-85.

Танлов савдоларида қатна-шиш учун талабгорлар қўйида-ги шартларга: танлов савдо-лари предметининг 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағ-ларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк ка-фолатномасига, ишлар (хиз-матлар)ни бажариш учун за-рур бўлган меҳнат ресурслари-га ва мутахассисларнинг мав-жудлигига, етарли касбий ва

техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома ту-зиш юзасидан фуқаролик му-омила ҳуқуқий лаёқат ва вако-латларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тан-лов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархи-тектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қўйида-ги манзил бўйича мурожаат этиши мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўча-си, 69-уй, Телефон/Факс: (8-37622) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжат-ларининг нархи — 50 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қили-нади.

Оферталарни очиб куну ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

«KIMOSHI SAVDOLARI AGENTLIGI»

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2007 йил, 16,20,23,27 февраль кунлари соат 11.00да Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 7-уйда жойлашган, ДХО «Doimiy faoliyat ko'rsatuvchi yarmarka» «Ўзулгуржисавдо» АК биносида, объектнинг бошланғич баҳо-си босқичма-босқич ошиши тартибиде ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига такроран, Тошкент шаҳар хўжалик суди қарори билан банкот деб эълон қилинган «Ўзбектўқимаш» ИЧБ балансидаги қўйи-даги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. «ЗИЛ-ММ3-4502» русумли, д/р 47-74 ТНА, 1985 йида ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси — 2 186 600 сўм.
2. Авт. «КАВ3-3271» русумли, д/р 32-48 ТНБ, 1991 йида ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси — 2 051 600 сўм.
3. «ЗИЛ-431416» русумли, д/р 69-87 ТНМ, 1987 йида ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси — 2 186 600 сўм.
4. «ЗИЛ-4314» русумли, д/р 98-38 ТНБ, 1991 йида ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси — 2 186 600 сўм.
5. Авт. «ПА3-3205» русумли, д/р 32-31 ТНБ, 1991 йида ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси — 1 889 600 сўм.
6. Авт. «КАВ3-3271» русумли, д/р 32-47 ТНБ, 1991 йида ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси — 2 051 600 сўм.
7. Авт. «ПА3-672» русумли, д/р 30-54 ТНМ, 1986 йида ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси — 1 459 300 сўм.
8. «ЗИЛ-ММ3-4502» русумли, д/р 08-12 ТНБ, 1989 йида ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси — 2 186 600 сўм.
9. «КАМАЗ-54112» русумли, д/р 77-55 ТНМ, 1987 йида ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси — 5 562 100 сўм.

10. «КАМАЗ-54112» русумли, д/р 77-54 ТНМ, 1987 йида ишлаб чиқарил-ган.

Бошланғич баҳоси — 5 562 100 сўм.

11. «ЗИЛ-ММ3-45021» русумли, д/р 53-57 ТНБ, 1983 йида ишлаб чиқарил-ган.

Бошланғич баҳоси — 2 186 600 сўм.

12. Авт. «ЛА3-695Н» русумли, д/р 97-13 ТНА, 1982 йида ишлаб чи-қарилган.

Бошланғич баҳоси — 7 353 500 сўм.

Аукцион савдосида буйича харидорлар-дан аризаларни қабул қилиш ва расмий-лаштириш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун хар-идорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдориде за-калат пули тўлаши шарт.

Закалат пули «Kimoshti savdolari agentligi»нинг Ўзбекистон Республика-си Миллий банки, Тошкент ша-ҳар, С.Раҳимов бўлимидаги ҳисоб ра-қамига: 20208000304265383003, КОД-00876, СТИР 204563716 ўткази-лади.

Қўшимча маълумотлар учун «Kimoshti savdolari agentligi»га мурожаат қилишигиз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уй, ДХО «Doimiy faoliyat ko'rsatuvchi yarmarka» «Ўзулгуржисавдо» АК биноси, 4-қават, 428-хона.
Маълумот учун тел/факс: 142-43-97.

Сен ёлғиз эмассан

ЭЗГУЛИК ВА ЯХШИЛИК МАҲАЛЛАСИ

Мирзо Улугбек тумани, Темир Малик кўчаси бўйлаб юрсангиз катта йул чеккасидаги қатор тизилган гиштли, бежирим уйларга кўзингиз тўшган бўлса керак. Чироили ва обод бу худуд киши диққатини ўзига тортмай қолмайди. Айримлар бу уй-ҳовли жойларни қайсидир ташкилотнинг дам олиш уйи деб ўйлаши мумкин. Айримлар эса бу жойлар ўзига тўқ одамларга тегишли деб тахмин қилади. Аслида бу маскан SOS болалар маҳалласи эканлигини ҳаммаамиз ҳам билвермаймиз. «SOS Киндердорф Интернейшнел» халқаро ташкилотнинг шохобчаси ҳисобланмиш ушбу болалар маҳалласи 2000 йилда фойдаланишга топширилган. Фондга етим қолган болаларни тарбиялашнинг инсонийлик модели муаллифи, австриялик Герман ГМАЙНЕР 1949 йилда асос солган. Узи етим ўсган, «Инсоният келажиги фақатгина техника таракқиёти ва у ёки бу сийёсий кучларнинг ривожигагина эмас, биринчи навбатда, дунёнинг ёш авлодда ўз кадрини англаш ҳиссини қай даражада тарбиялай олишига боғлиқ» деган гоаяни илгари сурган бу инсон бутун умрини етим ва ёлғиз болаларда ўз кадрини англаш ҳиссини тарбиялаш йўлларини топиш ва уни амалда татбиқ этишга бағишлаган.

Биринчи SOS маҳалласи ўтган асрда (1949) Австриянинг Имст шаҳрида очилган. Ҳозирги кунда «SOS Киндердорф Интернейшнел» халқаро хайрия ташкилоти жаҳоннинг 132 мамлакатда фаолият олиб бормоқда. Бутун дунёда Герман ГМАЙНЕР номидаги 385 SOS болалар маҳалласи, 372 та ёшлар маркази, 220 болалар боччаси, 144 мактаб, 144 ижтимоий марказ бор. — Маҳалламиздаги 14 хонадонда ота-онасиз ва ижтимоий ёлғиз болалар оилаларда тарбияланади, — дейди педагог Лола РИХСИЕВА. — Фарзанди йўқ аёлларни оналикка қабул қилганмиз. Оилада онанинг ёрдамчиси ҳам ишлайди. Асосан, 4-8 ёш орасидаги болаларни қабул қиламиз. Чунки ҳаётнинг салбий таъсирлари асоратлари ҳали бу ёшдаги болаларда унчалик из қолдирмаган бўлади. Бунга эътибор беришимиз бежиз эмас — ахир бу болалар бизга келгунча турли шароитларда бўлиб, кўп қийинчиликларни кўришган. Аммо, бир оиладан бир нечта



болалар маҳалласи, у ерга фарзандсиз аёллар ишга олиниши ҳақида эшитиб, «бу — мен учун энг катта имконият» деган қатъий қарорга келди. — Яқинда қаттиқ шамоллаб, бир неча кун шифохонада ётиб даволанишимга тўғри келди, — деди у. — Болаларим кунига икки маҳал холимдан хабар олиб туришди. Бошинг ёстиқка тегса фарзандларинг гапхўрлиги туфайли тезроқ тузаларкансан, — у ўзини тутолмайди — кўзларидан ёш думалайди. Узини босиб, ҳар бир фарзанди ҳақида, хулқ-атворидан тортиб, қандай таомни севишигача гапириб беради. 9-синфда ўқитган қизи Нарғиза журналист бўлишни орзу қиларкан.

«Баландда» кўшиғидан бир неча сатрни айтиб ҳам берди. Бу боланинг исми Андрей, лекин Зиёда уни эркалаб, Бахтиёрим, деб чақиради. Шу ерга келиб бахтимни топдим, дейди у. Зиёда асли бухоролик. Қариндошлариникида тўй бўлиб қолса ёки ёзи таътилда саккиз боласи билан Бухорога йўл олади. Зиёда бир сафар қариндошлари даврасида «бозорга харидга тушсам ҳам ҳаёлим уйда, болаларимда бўлади» деганди, укалари дарҳол уяли телефон совға қилишди.

14 йил турмуш қуриб, фарзанд кутган Зиёда вафот этган қариндошларининг ўн саккиз кўнлик чақалогини асраб олади. Бола уч ярим яшар бўлганда бобо-бувиси келиб, «қизимиздан қолган ёлғорлик» деб болани олиб кетишди. Зиёда ҳеч нарса қилолмайди — у одамларга ишонган эди, ҳужжат расмийлаштириб қўйиш ҳақида ўйламаганди...

Бу ердаги оналар ўзларини ҳаққий она ҳисоблашади, ҳар бир болани «фарзандим» дейишади. Болалар эса уларнинг ҳар бирига «ойижон» деб мурожаат қилишади. — Жавлон ўғлим келганда 12 ёш эди. Сал нарсига йиманиб саволларимга жавоб бермасди, — ҳижоя қилади маҳалланинг энг кўп болали онаси — саккиз фарзандли Зиёдахон.

Хозир Жавлон битирувчи синф ўқувчиси, ҳар бир масалада онаси билан фикрлашади. Сўхбатимиз асосида кенжа ўғли Зиёданнинг буйиқдан қучқоқаб, «Ойижон, бозорга қанчон тушамиз?» деб эркаланади. — Бозорга нимага тушмоқчисан ўзи? — сўрайман ундан. — Ойижоним бугун эрталаб наущиник олиб беришни ваъда қилувдилар. Бола Шохрухнинг кўшиқларини севар

«LE PETIT JOURNAL» ЎЗБЕКИСТОНДА БОЛАЛАР СПОРТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ҲАҚИДА

Францияда 70 минг нусхада чоп этиладиган «Le petit Journal» кундалик ахборот нашрида «Ўзбекистонда болалар спортининг таракқиёти» сарлавҳали мақола босилиб чиқди. Унда мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида фаол сийёсат олиб борилаётгани ҳақида ҳижоя қилинади. Муаллиф мустақил ривожланиш йиллари давомида юртимизда болалар спортини оммавий тус олганини қайд этар экан, мазкур соҳа ёш авлод тарбиясига қаратилган сийёсатнинг ҳамда кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг таркибий қисми сифатида ривожлантирилган таъкидлайди.

«Ёш авлоднинг соғлом ва баркамол тарбиялашга йўналтирилган сийёсатлар ўз самараларини бермоқда, деб ёзади газета. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йилда эълон қилинган фармонида мувофиқ болалар спортини ривожлантириш жамағатининг ташкил этилиши бу соҳанинг жадал таракқиёти йўлидаги муҳим қадам бўлди».

Мақолада республикамиздаги мавжуд спорт иншоотлари, шунингдек, ўсиб келаётган ёш авлоднинг жисмоний жиҳатдан соғлом ва бақувват бўлиб вояга етишлари учун қишлоқ жойларида бирин-кетин бунёд этилаётган янги ва замонавий спорт масканлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинган. Нашр қайд этганидек, кейинги йиллар давомида фойдаланишга топширилган жамағатининг 85 фоизи қишлоқ жойларининг ҳиссасига тўғри келади.

«Le petit Journal» Ўзбекистонда спорт билан мунтазам шуғулланадиган болаларнинг сони йилдан йилга ўсиб бораётгани хусусида тўғрисида, жисмоний тарбия беришнинг замонавий шакли ва услублари жорий этилгани, мактаб ўқувчиларининг бўш вақтлари мазмунли ва қизиқарли ўтиши учун барча шароитлар яратилишига катта эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлайди.

З.АЗИЗОХОНОВА «Жаҳон» АА



Биз эшигини қоқиб кирган хонадон бекаси ўзини Фарида Норқулова деб таништирди. Икки қаватли ихчам коттежнинг биринчи қаватида ошхона, зал ва бошқа қулайликлар. Тепада тўртта ётоқхона. Ҳар бири болаларнинг ёшига мос жиҳозланган. Фарида кўп болали оналардан бири экан — беш қиз ва икки ўғли бор. У билан икки оғиз гаплашганимизча бўлмай, катта қизи Нарғиза бир зумда дастурхонга қанд-қурс қўйди, лутф билан чой узатди. Фарида асли Гулистондан экан, аввал болалар боччасида тарбиячи бўлиб ишлаган. У бо-



Спорт

КУЧЛИЛАР ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИГА БОРАДИ

Шу кунларда пойтахтимиздаги Марказий офицерлар саройида шохмат бўйича 10 ва 16 ёшгача бўлган болалар ҳамда ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги давом этмоқда. Швейцарча тизимда ўтаётган баҳсларда Қорақалпоғистон Республикаси ва Наманган вилоятидан ташқари мамлакатимизнинг барча худудларидан ёш шохматчилар донна сурнишаптир. 10 ёшгача бўлган ўғил болалар мусобақасида еттинчи тур ўрашувларидан сўнг Сардор Исроилов (Тошкент, 6,5 очко) Нилуфар Парлиева (Фарғона, 6,5 очко) пешқадамлик қилмоқда. — Кейинги йилларда юртимиз шохматчилари халқаро микёсда сезиларли ютуқларга эришмоқда, — дейди андижонлик мураббий Иброҳим Қаримов. — Бу эса жойларда шохматни ривожлантириш ва янада оммавийлаштиришга туртки бўлган. Жумладан, мамлакат биринчилиги иштирокчилар сони ошиб бораётгани ҳам бунга таъкид қилиш мумкин. Кейинги йилларда кўпбал истаёдоллар кўзга ташланадиган. Ака-ука Устам ва Отабек Мамадумаровлар эндигина 6-7 ёшга тулган. Ҳозиргача етти имкониятдан тўрттадан очко жамгаранлиги уларнинг келажигидан дарак бермоқда. 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасидаги баҳслар ҳам муросасиз кечяпти. Гарчи, самарқандлик иктидорли шохматчи Жамшид Мустафоев 6 очко билан пешқадамлик қилаётган бўлса-да, унинг укаси Хуршид Мустафоев ҳамда Акмал Файзуллаев



(Қашқадар)лар 5,5 тадан очко жамғариб, голдликка асосий даввоғар эканлигини намойиш этишмоқда. Бир пайтлар бу каби нуфузли мусобақаларда асосан Тошкент шаҳри вақиллари кўччилар қаторидан жой олишарди. Кейинги йилларда эса бу саф мамлакатимизнинг бошқа худудлари ҳисобидан янада кенгаймоқда. Қизлар мусобақасида бу гал Фарғоналик Хулқар Тоҳиржонов ва (6 очко) барчани ортада қолдираётган бўлса, Райҳона Донёрова (Сурхондарё) 5,5, Таҳмина Турдалиева (Тошкент) 5 очко билан уни таъкид қилишмоқда. — Мусобақалар ҳар доимиданда қизиқарли ва қўтилмаган натижаларга бой бўлмоқда, — дейди бош ҳакам Андрей Мирзааҳмедов. — 16 ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасида спорт устаси Евгений Пақ (Тошкент)нинг хозиргача бор-йўғи 4 очко тўплагани кўпчиликини ажаблантираётган бўлса, биринчиликда илк мартаба қатнашаётган пойтахтлик Шаварш Бадалиевнинг 5,5 очко билан 10 ёшлар ўртасида голдликка даввоғарлик қилаётгани мусобақа кашфиёти сифатида қаралмоқда. Қолаверса, биринчилик низомига кўра, ҳар бир ёш гуруҳи бўйича биринчи ва иккинчи ўрин соҳибларининг Осиё ҳамда жаҳон биринчиликларига йўлланма олиши ҳам ўрашувларнинг кескин ўтишини таъминламоқда.

Эркин ХОЛБОБОВ Суратда: мусобақадан лавҳа. Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат

РОНАЛДО «МИЛАН»ГА ЎТДИ

Италиянинг «Милан» клуби 30 январь кун Бразилия терма жамоаси тўпурари Роналдо шартномага имзо чекканини маълум қилди. Футбол тарихида энг кучли тўпурар номини олган бу футболчининг «Реал» клубидан «Милан»га ўтиши 7,5 миллион еврога тушди.

ТЎПУРАРГА ТУЯЛАР

Бирлашган Араб Амирлиги терма жамоасининг ошаддий мухлисидан бири жамоа тўпурари Исмаил Матарга иккита туя совға қилмоқчи эканини маълум қилди. Чунки, бу футболчи Бирлашган Араб Амирлиги жамоаси билан Саудия Арабистони футболчилари ўрашувидан дарвозага талаба тўпини киритган. Бу талабадан кейин Бирлашган Араб Амирлиги жамоаси «Кўрғаз кубогининг» финалида Уммон футболчилари билан ўрашди. Қўзғи шундаки, совға қилинадиган туяларнинг ҳар бири 109 минг доллар миқдоридан баҳоланмоқда.

Қарши давлат университети қуйидаги бўш (вакант) кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент) лавозимларига битим асосида ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Умумий ва экспериментал физика, Педагогика кафедра мудири лавозимига; Ўлкашунослик ва ватан тарихи (1), Инглиз тили ва адабиёти (1), Умумий ва экспериментал физика (1), Умумий математика (1), Маънавият асослари (1), Физиология (1) кафедралари доцентлари лавозимларига; Ўлкашунослик ва ватан тарихи (1), Социология (1), Рус тили ва адабиёти (1), Астрономия ва оптика (1), Амалий математика ва информатика (1), Математик анализ ва алгебра (1), Умумий математика (1), Педагогика (1), Маънавият асослари (1), Физиология (1), Кимё (1), Иқтисодиёт (1), Жисмоний маданият (1) кафедралари катта ўқитувчиси лавозимларига; Ўлкашунослик ва ватан тарихи (1), Ўзбек тилшунослиги (1), Инглиз тили ва адабиёти (1), Хорижий тиллар (1), Рус тили ва адабиёти (1), Мусиқа (1), Амалий математика ва информатика (1), Математик анализ ва алгебра (1), Умумий математик анализ ва алгебра (1), Умумий математика (1), Педагогика (1), Маънавият асослари (1), Механика ва АТИ (1), Зоология ва агротупроқшунослик (1), Ботаника (1), Экология (1), География (1), Кимё (1), Молия, бухгалтерия ҳисоби ва аудит (1), Иқтисодиёт (1), Иқтисодиёт назарияси (1), Спорт асослари (1), Жисмоний маданият (1), Психология (1), Тиббиёт асослари (1) кафедралари ўқитувчиси (ассистент) лавозимларига. Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: 1. Ректор номига ариза; 2. Шахсий варақа; 3. Олий маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақида дипломларининг нусхалари; 4. Илмий ишлари рўйхати; 5. Малака оширанлиги тўғрисида гувоҳнома. Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзилимиз: 730003. Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй. Телефон: (8-375) 225-34-13, 225-18-41, факс: 225-57-01.

Table with columns for BOSH MUHARRIR, SAHIFALOVCHI, MANZILIMIZ, and other contact information for the newspaper.